Аллоҳ таоло айтади: Кимда-ким Менинг дўстим билан адоватлашса, Мен унга уруш эълон қиламан. Бандам Мен унинг зиммасига фарз этган амаллардан кўра суюклироқ нарса билан Менга қурбат-яқинлик ҳосил қилмаган

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Аллоҳ таоло айтади: Кимда-ким Менинг дўстим билан адоватлашса, Мен унга уруш эълон қиламан. Бандам Мен унинг зиммасига фарз этган амаллардан кўра суюклироқ нарса билан Менга қурбат-яқинлик ҳосил қилмаган. Бандам Менга нафл ибодатлар билан тобора яқинлашаверганидан, ҳатто уни яхши кўриб қоламан. Агар уни яхши кўрсам, Мен унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўламан. Агар Мендан сўраса, албатта, унга бераман. Агар Мендан паноҳ тиласа, албатта, уни паноҳимга оламан».

[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадиси қудсийда хабар берганларки, Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтди: «Ким Менинг бир валий (дўст) бандамга озор берса, уни хафа қилса ёки ундан нафратланса, унга қарши уруш эълон қилдим». Валий – мўмин ва тақводор киши. Банда қай даражада иймон ва тақвога эга бўлса, унинг Аллоҳ наздидаги валийлик мақоми ҳам шу даражада бўлади. Аллоҳ таолога энг маҳбуб бўлган амал — У зот фарз қилиб буюрган ибодатлардир. Банда фарзларни адо этиш ва ҳаромлардан тийилиш билан Аллоҳга яқинлашади. Кейин эса фарзлар билан бирга нафл ибодатларни ҳам бажариш орқали Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлади. Аллоҳ таоло уни севиб қолса, уни қуйидагиларда муваффақиятли қилади: Қулоғини тўғри йўлга солиб қўяди — Аллоҳ рози бўлган нарсаларнигина эшитади. Кўзини тўғри йўлга солиб қўяди — Аллоҳ яхши кўрган ва рози бўлган нарсаларгагина қарайди. Қўлини тўғрилаб қўяди — қўли билан фақат Аллоҳ рози бўлган амалларни қилади. Оёғини тўғри йўлга солади — оёғи билан фақат Аллоҳ рози бўладиган хайрли йўлларга юради. Шунингдек, агар у Аллоҳдан ниманидир сўраса, Аллоҳ унга беради. Агар ҳимоя ва паноҳ истаса, Аллоҳ таоло унга паноҳ беради ва уни ҳимоя қилади.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/66534